



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 8 февраль, шанба, №15 (3516).

## ҚОЗОҒИСТОН – ГРУЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҲУМАРТ ТҲҚАЕВ ГРУЗИЯ БОШ ВАЗИРИ ИРАКЛИЙ КОБАХИДЗЕ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ҲТКАЗДИ

Давлат раҳбари Ираклий Кобахидзени Грузия Бош вазири лавозимига қайта тайинлангани билан табриклади ва мамлакат тараққиёти йўлидаги масъулиятли фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон – Грузия муносабатларини юксак баҳолади. Президентнинг сўзларига кўра, Грузия Қозоғистоннинг Кавказ минтақасидаги ишончли ҳамкори. Икки давлатни ўзаро дўстлик ва яқин тарихий илдизлар боғлаб туради.

– Қозоғистон ва Грузия ўртасида турли даражаларда, хусусан, парламентлараро ва ҳукуматлараро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган, – деди Давлат раҳбари.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг сўзларига кўра, Грузия Қозоғистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади.

– Грузия Қозоғистоннинг замонавий таълим сисеий стратегияси доирасида халқаро майдонда ташлаётган дадил амалий қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва хайрихоҳлик билдиради. Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш биз учун жуда муҳим. Биз Қозоғистон манфаатларини турли шаклларда, жумладан, халқаро майдонларда фаол ҳимоя қилишга



тайёрмиз. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик ривожига асосий туртки бераётган муҳим омил сифатида икки мамлакат етакчилари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотларни эътироф этиш лозим, – деди у.

Қ. Тўқаев ва И. Кобахидзе Транскаспий халқаро транспорт йўналиши бўйлаб юк ташиш ҳамини ошириш ва транзит йўлаги инфратузилмасини замонавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

– Мамлакатимиз иқтисодий ва замонавийлаштириш ва унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадлари таъминлаш билан саноат кооперацияси йўналишидаги ҳамкорликни кучайтириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ташқи сармоёлар ва юқори технологияларни кенг қўламда жалб этишни талаб этмоқда. Шу маънода, Қозоғистон ва Грузия иқтисодий тараққиёт стратегиялари бир неча муҳим соҳаларда бир-бирини тўлдириш

қобилиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Учрашувда савдо, энергетика, сармоя, сайёҳлик, сунъий заковат ва рақамлаштириш каби кўплаб йўналишларда икки томонлама муносабатларни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро кун тартиби ва минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Akorda.kz  
маълумотлари асосида.

## СУВ ТОШҚИНЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН

ҚР Бош вазининг ўринбосари Қ. Бўзумбаев виллоятимизга хизмат сафари чоғида минтақадаги йирик сув омборларига бориб, уларнинг ҳолати билан танишди.

Дастлаб вертолёт ёрдамида “Бўген”, “Байдибек ата” ва “Чордара” сув тўғонлари устидан ўтиб, кузатишни давом этди. Сув сатҳи, тарқалиши ва тўлдириш қобилияти билан танишди. Кейин “Кўксарой” сув тақсимлагичига ташриф буюриб, у ердаги ҳолатни кузатди. Вилоят ҳокими Н. Кўшеров ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича масъул раҳбарларнинг тошқиннинг олдини олиш бўйича иш режаларини тинглади.

“Кўксарой”га жами 3 миллиард

кубометр сув сиғади. Аммо ҳозирги вақтда техник ҳолат туфайли атиги 1,5 миллиард кубометр сув қабул қилинмоқда. Шунинг учун “Кўксарой” сув тақсимлагичини таъмирлашга Сув ҳўжалиги қўмитаси ҳўжатларни тайёрлади. Бу йил “Ислоҳ тараққиёт банки” ёрдамида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш режалаштирилган. Лойиҳа ишга туширилса, “Кўксарой”да 3 миллиард кубометр сув йиғиш имкони пайдо бўлади.

Қ. Бўзумбаевга “Бўген”, “Бай-



дибек ата” ва “Чордара” сув омборларининг ҳозирги ҳолатига оид маълумотлар ҳам тақдим этилди.

Бош вазир ўринбосари сув иншоотларига тегишли тақлиф

ва мулоҳазаларни тинглаб, сув тошқини мавсумига шай туриш кераклигини уқтирди.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.

Мажлис депутатлари “Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Марказий Осиё” саноат кооперацияси халқаро маркази фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги Битим”ни ратификация қилишга доир қонун лойиҳасини маъқуллади.

ҚР Савдо ва интеграция вазири Арман Шаққалиев таъкидлаганидек, келишув Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик борасидаги ҳукуматлараро комиссиянинг 20-йиғилиши қарорини амалга оширади.

“Марказ “Атамекен” (Қозоғистон) ва “Гулистан” (Ўзбекистон) назорат-ўтказиш пунктлари атрофида жойлашган бўлиб, ишлаб чиқариш майдонлари, омборлар, шунингдек, транспорт инфратузилмасини ўз ичига олади. Бу юк ташишни тезлаштиради, логистика харажатларини камайтиради,

етказиб бериш занжири иштирокчилари сонини камайтиради, истеъмолчилар учун маҳсулотнинг яқиний таннархини пасайтиради и ва “Шимол-Жануб” йўлаги доирасида ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиради, – деди Арман Шаққалиев.

Иншоотнинг умумий майдони 100 гектарни ташкил этади, шундан 50 гектари Қозоғистон, 50 гектари Ўзбекистон қисмидир. Муайян ҳудудга минтақавий индустриал минтақаси мақоми берилди.

Арман Шаққалиев, шунингдек, Марказ инфратузилмаси бюджетдан ташқари маблағлар

ҳисобидан барпо этилишини таъкидлади.

– Туркестон виллояти ҳокимлиги очик танлов ўтказиб, асосий сармоядорни аниқлади. У маблағларни Марказнинг ички ва ташқи инфратузилмасига йўналтиради. Сармоядор томонидан Марказни зарур инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа смета ҳўжатлари ишлаб чиқилмоқда. Марказнинг техник ва қурилиш ишлари 2026 йилнинг тўртинчи чорагида якунланиши, расмий очилиши эса 2027 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган. Марказ янги ишлаб чиқариш ва иш ўринлари ташкил

этиш, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозлик, металлга ишлов бериш, фармацевтика, электротехника, кимё, чарм, тўқимачилик ва тикувчилик каби тармоқларни ривожлантиришга кўмак беради, – деди Арман Шаққалиев.

Бундан ташқари, бу ерда Global Textile компаниясининг тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

24.kz  
маълумотлари асосида.

## ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДА САНОАТ  
КООПЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



## Ассамблеянинг 30 йиллиги доирасида...

2025 йилнинг январь-февраль ойларида ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида мамлакатимиздаги 25та олий ўқув масканларида ва таҳлил марказларида ОАВларда атрофлича эълон қилинадиган 34та илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, семинарлар уюштирилади.

Байрам тадбирлари 2025 йилнинг 1 март куни (ҚХА ташкил топган кун) бошланади.

Куннинг муҳим тадбири – республика анжумани (Астанадаги Тинчлик ва тувулик саройидаги давра суҳбати, виллоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар, пойтахтдаги Дўстлик уйидаги анжуманлар).

Шукрона кунини нишонлаш доирасида қуйидаги тадбирлар уюштирилади:

- “Хайрия карвони” хайрия акциясининг бошланиши – ижтимоий лойиҳалар, аҳолининг кам таъминланган қатлами, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, манзилли хайрия тадбирлари;
- шукрона, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш ва кўпчилигини унга ундаш;
- ташкилотнинг бош-қошида бўлган ҚХА фахрийларига эътиром кўрсатиш;
- ҚХА юбилейига бағишланган тадбирлар;
- Этнодастлар ва хонандалар иштирокидаги фестиваллар, кўргазмалар, концертлар, хореография, вокал ва чолғу асбоблари бўйича ижодий танловлар.

ҚХА ХХХIV сессияси арафасида 2025 йилнинг 1 апрелидан 15 апрелига қадар виллоят ҳокимлари раислигида виллоят ҚХАнинг кенгайтирилган кенгашилари (конференциялар) ўтади, жумладан, ҚХАнинг 30 йиллигига доир масалалар, Қозоғистон минтақаларининг ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўналишидаги муваффақиятлари ва натижалари муҳокама қилинади.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси ўзининг асосий вазифаси – этносларни қозоқона руҳ ва фуқаровий бурч асосида бирлаштиришни амалга оширди.

Давлат этносисёсати ва шунга хос давлатчилик барпо этиш сўнги йилларда мутлақо янги мафкуравий қиёфага эга бўлди. У Қозоғистон фуқароларини ва танпарварлик асосида, қонун олдидаги тенгликка, ҳақиқий имкониятлар тенглигига асосланган фуқаровий тенглик, шунингдек, давлат тили бўлган қозоқ тилининг бириктирувчи аҳамияти асосида шаклланди.

Ассамблея миллий бирлиكنи таъминлашдаги тадбирларнинг бош-қошида бўлади.

“Бирлигимиз – турфалигимизда”, “Биз турли хилмиз, бироқ биз тенгимиз” қоидалари этнослар орасида бузғунчиликка “мутлақо муросасизлик” ва “жазодан қочиб қутулолмаслик” қоидалари билан мувофиқлаштирилади.

## ЭТНОСЛАРАРО ТУТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида “Этнослараро ҳамжиҳатлик: элнинг тараққиёт майдонидаги аҳамияти” мавзусида давра суҳбати ўтди.



Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тутувлиги” ДКК ҳамда Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУ ҳамкорликда уюштирган тадбир юртимиздаги этнослараро тутувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли этник гуруҳларнинг маданиятлари ҳамда анъаналарини қадрлашни тарғиб қилиш, ҚХАнинг 30 йиллиги доирасидаги режа лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилди.

Учрашувда виллоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Нурсултан Сейтжанов ҚХАнинг жамиятда этнослараро тутувликни таъминлашдаги аҳамиятига тўхталди.

Олий таълим ректори Жанар Темирбекова сўзга чиқиб, халқаро университетнинг этнослараро ҳамжиҳатлик ва туркийтилли оламни бирлаштиришдаги аҳамиятига урғу берди.

Тадбирда эл тараққиёти майдонидаги этносларнинг аҳамияти, уларнинг иқтисод, таълим ва маданият соҳасидаги салоҳияти ҳамда минтақада “Қонун ва интизом” тамойилини илгари суриш борасида тақлиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди. Бу борада “Жамоат тутувлиги” ДККнинг раҳбари Элмира Жанғазиева, виллоят ўзбек этномаданият жамоат бирлашмаси оқсоқоллар кенгашининг раиси Зуппархон Чолдонов, “Дин масалалари тадқиқот маркази” ДКК директори Медет Халиқов, университет профессори Сейдулла Садиқов, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари сўзга чиқиб, фикр алмашишди. Иштирокчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, этнослараро тутувликни такомиллаштириш йўлида аниқ тақлифларни илгари суришди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.



Эл манфаатларини, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30 йил тўлмоқда. Шу муносабат билан Қозоғистон Республикаси ҚХА Раиси ўринбосари – Президент Маъмурияти ҚХА котибияти мудири Марат Азилханов билан музоҳаба уюштирдик.

– Марат Алмасули, бу йил Қозоғистон халқи Ассамблеясининг юбилейи. Шу ўринда ҚХАнинг давлатчиликни мустақамлашдаги ўрнига тўхталиб ўтсангиз.

– Ҳа, март ойида Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил топганига 30 йил тўлади. Йиллар давомида Ассамблея маслаҳат берувчи ташкилотдан Парламентда вакиллик ҳуқуқига эга конституциявий муассасага айланди. У ўзининг асосий вазифасини бажариш ва жамиятда миллатлараро барқарорликни таъминловчи омиллардан бири эканлигини исботлади. Бу мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни оқилона, изчил ва уйғун тарзда амалга ошириш, давлатимиз пойдеворини мустақамлаш имконини берди. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев халққа йўллаган “Амалий ижтимоий мулоқот – Қозоғистон барқарорлиги ва тараққиётнинг гарови” Мақтубида: “Мустақам бирлигимиз туфайли мустақиллигимизни мустақамладик, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга кенг йўл очдик. Бу “Бунёдкорлик ва тараққиёт, тинчлик ва тотувлик даври эди, – дея таъкидлади у.

Ўтган йиллар давомида ижтимоий тотувлик ва миллий ҳамжиҳатликни мустақамлаш сиёсати кенг қамровли бўлиб, жамият ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олди. ҚХА фаолиятининг асосий натижаларидан бири – этник гуруҳларнинг Қозоғистоннинг ягона халқига уйғун яхлитлаши жараёнидир.

Ҳамжиҳатлик ва бирдамлик – давлатчиликни шакллантириш, мустақамлаш ва ривожлантиришнинг муҳим дастакларидир. Бунинг тинчлик ва тотувлик сиёсати ҳам исботлаб берди. Ассамблея ташкил этилганидан кейинги дастлабки йилларда мамлакатдаги этник гуруҳлар манфаатларини ифода этишни мақсад қилган бўлса, ҳозирда мақсад ва вазифалар бирлигини, умумий бирлаштирувчи қадриятларни назарда тутувчи фуқаролик тамойилидан келиб чиқиб, миллатларни ягона халқ сифатида янада жипслаштириш борасидаги ишларни давом эттирмоқда. Конституцияимизнинг “Биз, бир тарихий тақдир бирлаштирган қозоқ халқи, қадимги қозоқ заминида давлатчилик барпо этаётган...” деган сўзлар билан бошланадиган муқаддимасига мувофиқ, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш борасида эришилган муваффақиятлар – ҚХА фаолиятининг улкан ютуғидир.

– Сухбат аввалида Ассамблея ташкил этилганидан бундан ўн йўналиши ҳам жамият тараққиёти билан ҳаммадан равишда ривожланиб бораётганини таъкидлагингиз. Босқичма-босқич амалга оширилган ушбу тадбирлар ҳақида гапириб ўтсангиз.

– Умуман олганда, мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда Ассамблеядан ташқари барча марказий давлат ва маҳаллий ижро органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар давомида Қозоғистонда ижтимоий тотувлик ва миллий бирликни мустақамлашнинг ҳуқуқий, давлат-маъмурий, жамоатчилик ва бошқа дастаклари яратилди.

Бу мураккаб эволюция “Эл бирлиги доктринаси”да, ҚХАнинг тараққиёт дастури ва жамият тараққиёти жараёнида бир неча бор янгиланган бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг ўзига хос қиёфасини шакллантириш ва ривожлантириш бешта асосий босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (1989-1995) 1995 йилда Конституциянинг қабул қилиниши ва Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ташкил этилиши билан бошланади.

# МАҚСАД – ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРДАМЛИК



леясининг ташкил этилиши доирасида этно-маданий бирлашмаларни ташкил этишдан бошлаб, эл бирлигини мустақамлашнинг қозоғистонча моделини қонунчилик ва институционал жиҳатдан расмийлаштириш борасидаги чора-тадбирларни ўз ичига олди.

Иккинчи босқичда (1995-2002) фуқаровий тамойиллар ва мамлакатдаги этник гуруҳларнинг тили, маданияти ва анъаналарини сақлаш қадриятлари ўртасидаги уйғун мувозанат асосида ўзига хосликнинг асосий параметрлари белгиланди. “Қозоғистоннинг келажаги жамиятининг гоёвий бирлигида” (1993) ва Қозоғистон Республикасининг давлат сифатида ўзига хослигини шакллантириш концепциясини (1996) амалга ошириш асосида жамиятнинг давлат тузувчи қозоқ халқи атрофида жипслаштириш, улар эгаменликнинг, қозоқ заминида давлатчиликнинг эгаси бўлган ва тарихий жиҳатдан масъул бўлган мамлакат тақдирини таъминлади.

Жамиятда этник ва конфессиявий муносабатларни сиёсийлаштиришни рад этиш борасида фундаментал фуқаровий-сиёсий консенсусга эришилди.

Учинчи босқич (2002-2007) миллатлараро муносабатларнинг Қозоғистон моделини шакллантиришдаги сиёсатга асосланди. Бир қатор дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди – Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 2011 йилгача бўлган дастури, 1998-2000 йилларда тилларни қўллаш ва ривожлантириш давлат дастури, 2006-2008 йилларда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликнинг Қозоғистон моделини такомиллаштириш дастури.

Тўртинчи босқич (2007-2019) жамият жипслашуви ва давлат этносиёсатини Қозоғистон халқлари миллий бирлигини мустақамлаш сиёсатига айлантиришни қамраб олди. Шу даврда, яъни 2007 йилда “халқлар ассамблеяси” номи “халқ Ассамблеяси”га ўзгартирилди. Бу мамлакатимиз миллий қиёфасидаги туб ўзгаришдир. 2010 йилда Эл бирлиги доктринаси қабул қилинди, унда барча фуқаролар учун умумий қадриятлар ва тамойиллар тизимини тан олиш асосида миллий бирликка эришиш – стратегик устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бешинчи босқич 2020 йилда бошланган. Бу босқичда миллатлараро соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш ижтимоий-таҳлилий жиҳатдан мустақамланди, ҚХАнинг жамоат тузилмалари ҳар томонлама тараққий этди.

Собиқ Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирлиги таркибида Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш қўмитаси ва Амалий этносиёсий тадқиқотлар муассасаси ташкил этилган. “Жамоат тотувлиги” РДК вазирлик қарамоғида. Қозоғистон халқи Ассамблеяси 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт концепциясини тасдиқлади. Мазкур муҳим ҳужжат жамиятда этник жипслашуви, ўзликни англаш ва миллий ҳамжиҳатликни ривожлантириш,

мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш борасидаги давлат сиёсати тамойилларини амалга оширишни ташкил этишга қаратилган. ҚХАнинг турли жамоатчилик тузилмалари кенг ижтимоий ва ахборий дастурлар учун очиқ самарали мулоқотни таъминлайди.

– Йил сайин ҚХАнинг қамрови кенгайиб бормоқда. Сиз таъкидлаганингиздек, ҳозир унинг таркибида бир неча тузилмалар мавжуд. Уларнинг вазифаси қандай?

– ҚХАда мингдан ортиқ этно-маданият бирлашмалар, муассасалар, қатор жамоат ташкилотлари ва лойиҳалари мавжуд. Умуман олганда, бир ярим мингдан ортиқ Оналар Кенгаши, мингдан ортиқ Оқсоқоллар Кенгаши, “Ассамблея ёшлари” Республика жамоат бирлашмаси, “Жемарт жан” марказлари, ҚХА медиация кенгашлари, Ёш олимплар клуби, ҚХА илмий-таҳлил кенгаши ва ҚХАнинг йигирмага яқин илмий-таҳлил гуруҳлари, Кафедралар

– Қисқа вақт мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида сиёсий тизимда катта ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат бошқарув тизими жамият эҳтиёжларига кўпроқ эътибор қаратиб, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиши учун имкониятлар яратилди.

Давлат раҳбари “Ана тили” газетасига берган музоҳабасида шундай деди: “Ўтган беш йил давомида амалга оширилган ислохотлар фуқароларимизнинг туб талаблари ва узоқ мuddатли давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пухта ўйланган стратегиядир. Асосий сиёсий ислохотлар яқунланди. Буларнинг барчаси жамиятда кенг муҳокама қилинди ва пировардида жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. “Бунинг шарофати билан барча йирик сиёсий тармоқлар янада очиқ ва самарали бўлди, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва мувозанат мустақамланди, энг муҳими, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши имкониятлари сезиларли даражада ошди”, деди у.

Тараққиётнинг янги босқичида сиёсий институтлар ва давлат бошқарувини ислох қилишдан жамиятнинг ўзини, жамият тизимини, умуман, жамоатчилик онгини ислох қилишга ўтish кузатишмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиздаги барча этник гуруҳлар, этно-маданият бирлашмалар вакиллари, ассамблеялар ушбу тарихий ва туб ўзгаришларда фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга.

Ислохотлар Қозоғистон халқи Ассамблеясида ҳам таъсир кўрсатди. Бугунги кунда ҚХА тақлифига кўра, ҳуқуқий даражада мулоқотни таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, Ассамблеяни этнос-лар манфаатларини уйғунлаштирувчи ваколатли ташкилот сифатидаги фаолияти янгиланди. Давлат раҳбари томонидан тайинланган Парламент Сенатининг 5 нафар депутати фаолият юритмоқда.

Парламентда миллий бирлик



ҳамжамияти, Ижодий уюшмалар ҳамжамияти, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган 34та Дўстлик уйи Ассамблея уюшмалари доирасида ягона мақсад йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг муҳим йўналиши ҳам жамиятда ижтимоий тотувлик ва миллий ҳамжиҳатликни мустақамлашдан иборат. Жамиятда адолат ўрнатиш мафқурасини илгари суриш ва ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимиздаги барча жамоат бирлашмалари, жумладан, Ассамблеянинг ҳам гоёт муҳим вазифасидир. ҚХАнинг ҳар бир тузилмавий бўлинимаси бу муҳим тадбирга ҳар томонлама ҳисса қўшмоқда.

Миллий қурултойда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев фуқароликнинг ўзига хослик моҳиятини ҳар томонлама очиб берди, уни бирлик ва барқарорлик, адолат ва ҳамжиҳатлик, ҳуқуқ-тартибот, ишонч ва масъулият каби қадриятларга асосланган янги жамоат этикаси уйғунлиги орқали тафсиҳлаб берди. Фуқароликнинг ўзига хослиги айнан шундай шаклланиётгани ва Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий ислохотларда ўз ифодасини топаётгани аҳамиятга эга.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар жараёнида ҚХА фаолияти ҳам мавжуд. Ушбу ўзгариш ва янгиланиш натижалари ҳақида сўз юритсак.

– Албатта, Ассамблея – катта куч. У – жамоат тотувлигини қадрият деб биладиган барчани бирлаштирадиган уюшма. Жамоатчиликни умумий ишга жалб этиш, уларни ташаббускорликка ундаш асосий мақсадларимиздан бири. Шу нуқтаи назардан, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг янги жамият одоб-ахлоқини тарғиб қилиш ва “Бирлик ва ҳамжиҳатлик” устувор йўналиши доирасидаги хайрия фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. ҚХА тузилмаларининг хайрия ишларини мувофиқлаштириш учун барча ҳудудларда “Жемарт жан” марказлари ташкил этилди. Улар муҳтожларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишмоқда.

Асосан, ҚХА сув тошқиндан зарар кўрган ҳудудларга ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга оширди. “Юракдан юракка” умуммиллий лойиҳамиз доирасида барча Дўстлик уйларида штаб, кўнгилчилар марказлари, инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиш пунктлари ташкил этилди. Жабрланган ҳудудларга 1700 тоннадан зиёд озиқ-овқат, дори-дармон ва энг зарур маҳсулотлар жўнатилди. Машина ва махсус техника жалб қилинди. Кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами миқдори 805 миллион тенгедан ошди, 12 мингдан ортиқ ҚХА кўнгилчилари гуманитар ҳаракатлар ва қайта тиклаш ишларида жалб қилинди. ҚХА аъзолари ва ҳомийлари маблағлари эвазига 90 миллион тенгегача қийматли турар-жойлар харид қилиниб, сув тошқиндан жабр кўрган ҳудудлардаги оилаларга тақдим этилди. Ассамблея аъзолари жабрланган ватандошларини чин дилдан қўллаб-қувватлади. Бу халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги тамойили инъикосидир.

Ассамблея фаолиятининг янги концепцияси мамлакатимизда фуқаролик сиёсий миллат жипслашуви ва шаклланиш жараёнида жамоат бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган. Бугунги куннинг асосий вазифаси – миллатлараро ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан иборат, унинг асоси жамиятнинг фуқаролик манфаатлари бўлиши керак.

Ассамблеянинг вазифаси эл билан биргаликда баркамол, адолатли ва барқарор жамият барпо этишдан иборат. ҚХА бу мақсадни босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширмоқда.

– Юбилей йилида қандай йирик тадбирлар ташкил этилади?

– 30 йилликнинг Шукроналик кунини билан баҳамти келиши рамзий маънога эга. Халқимиз анъанага кўра, баҳорнинг илк кунини “Раҳмат” деган гўзал сўз билан қарши олади. Ушбу кун учун кўплаб тадбирлар, тури акциялар, фестиваллар, кўргазмалар ва концертлар режалаштирилган. Йил бошидан бундан илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларида ҚХАнинг ўрни ва тажрибаси, Қозоғистондаги бирлик ва ҳамжиҳатлик сиёсатининг истиқболларини экспертлар доирасида муҳокама қилиш борасида қатор тадбирлар ўтказилади.

Асосий юбилей тадбири, шубҳасиз, апрель ойида ўтадиган Қозоғистон халқи Ассамблеясининг сессияси бўлади. Ассамблея Кенгаши йиғилиши арафасида ҚХА, унинг йиғилиши фаолияти ҳамда лойиҳалар сарҳисоб қилинади.

Умуман олганда, ҚХА жамоат тузилмалари ва республика этномаданият бирлашмаларининг режасида 400дан зиёд турли тадбирлар – республика ва вилоят анжуманлари, этно-маданий фестиваллар, йирик спорт мусобақалари ва турнирлари, театр томошалари, ижодий кечалар, ёшлар ва болалар оромгоҳлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Ассамблея юбилейи миллатлараро тотувлик ва миллий бирлиكنинг ўзига хос ўттиз йиллик тарихини чуқурроқ ўрганиш, унинг шаклланиш ва тараққиёт жараёнини англаш, ҳамжиҳатлик, ижтимоий тотувликни мустақамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

– Сухбатингиз учун раҳмат.

Қамбар АХМЕТ суҳбатлашди.  
“Егемен Қазақстан”.



## МАТЕМАТИКА – ФАНЛАР ШОҲИ

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли умумтаълим мактабининг 2024-2025 ўқув йили режасига мувофиқ «Математика – фанлар шоҳи» мавзусида ҳафталик бўлиб ўтди.

Тадбирларни мактабнинг математика фани муал-

берган устозимиз ёш авлодга билим ва тарбия бериб, жамоат ишларида фаоллиги туфайли қатор фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар билан тақдирланган. Узоқ йиллар мактаб хотин-қизлар кенгашига раҳбарлик қилган.

Қумринсо устозимиз юксак



лимлари М. Иброҳимова, Г. Олимжонова, С. Ҳасанова, Х. Жавлонова, С. Исроилова, Д. Бектошева, Х. Имонова, Д. Иброҳимова, А. Абдунабиевлар қизиқарли равишда уюштиришди. Ушбу ҳафталик умри давомида – нафақага чиққунга қадар Ҳамза номли ўрта мактабда фаолият юритган, ёш авлодни билимнинг серсўқмоқ йулларидан баҳраманд этган устоз-мураббий, марҳума Қумринсо Акатой кизининг хотирасини улуғлашга бағишланди.

Математика фанидан сабоқ

ва беғубор қалб соҳибаси эди. Боиси у шогирдларига ҳам, фарзандларига ҳам ажойиб тарбия бера олди. Унинг фарзандлари Фахриддин, Бадриддин, қизи Шоира Нишонқулвалар эл-юрт равнақида баракали ҳисса қўшган, замон билан ҳамнафас одимлаётган фаол инсонлар.

Узига хос фарзанд тарбиялаш барча оиллага хос ҳислат, лекин ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайдиган мураккаб жараён. Ҳали-ҳануз устозимизнинг ҳурматиға фарзандлари мактабимизга ҳомийлик

қилишни қанда қилишмайди. Ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишини орттириш мақсадида, иккита синфхонага таъмирлаб, зарур ўқув қуроллари билан таъминлашди. Шунингдек, математика фанидан олимпиада уюштириб, ўқувчиларни ой сайин стипендия ҳамда турли совға-саломлар билан тақдирламоқдалар. Ҳафталикка бағишланган тантанали қисмда марҳума устоз Қумринсо Акатой кизининг фарзандлари, Т. Рустамов номли мактабнинг математика ўқитувчиси Акмал

Мавлоновлар иштирок этиб, ёш авлодга дил изҳорларини етказишди.

Тадбирнинг чиройли ва мазмунли ўтишида мактаб директори Э. Адаҳамов раҳнамолик қилди.

Математикадан мактаб ички олимпиадаси ғолибларига юқорида номлари зикр этилган саховатпеша инсонлар мукофотларни топшириб, уч ой мобайнида стипендия билан таъминланишини маълум қилиб, рағбатлантириб, болалар руҳиятига кўтаринки кайфият бахш этишди.

Аълочи ўқувчилар Моҳинур Равшанбекова (40000), Абдуллоҳ Шодираҳимов (50000), Дилшод Озаббеков (60000), Дамирбек Давронбеков (70000), Аслиддин Арзиматов (80000), Назмина Йўлдошева (90000), Райҳона Абдуғофурова (100000) тенгелик мукофотлар билан тақдирландилар.

Юқори балл тўплаган 14 нафар ўқувчи 10000 тенгедан пул мукофотиға сазовор бўлдилар. Бу каби олимпиадалар анъана тусига кириб, бардавом бўлса, не ажаб... Ўқувчиларга эса омад!!!

Мақсад БЕК.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Обуначиларимиз орасида

## С. РАҲИМОВ НОМЛИ МАКТАБДАГИ ИЛҒОР МУАЛЛИМА

Туркистон шаҳридаги тажрибали устоз, фаол жамоатчи обуначимиз Рустам Алиев раҳбарлик қилаётган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов номидаги умумтаълим мактабининг илғор муаллима устози, биология фани ўқитувчиси Муборак Тўлаган кизини ҳамкасблари таваллуд шодиёнаси ила самимий муборакбод этиб, эзгу тилақларини изҳор этишди.



Муборак Тўлаган кизи 1964 йили 4 февралда донгдор деҳқон Тўлаган ота ва қаҳрамон она Бибиойша ая хонадониди дунёга келди. Шароф Ниёзов номли мактабни «аъло»га тамомлаб Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги институтнинг биология факультетида таҳсил олди. У олий тоифадаги устоз, педагог-тадқиқотчи унвонлари соҳибаси. Шаҳар, вилоят ҳамда республика фан олимпиадалари танлови ғолиби, биринчи даражали дипломлар, «Ўзбек педагог»,

«Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасига кўрсатган хизматлари учун» кўкрак нишонлари ҳамда кўплаб «Ташаккурнома», «Фахрий ёрлиқ» лар билан тақдирланган. Муборак Тўлаган кизи юзлаб иқтидорли шогирдлари, кадрдон ҳамкасбларининг самимий ҳурматиға энг юксак мукофот сифатида эъзозланди. Умр йўлдоши Жумадулла Раманқулов Самарқанд савдо олийгоҳини тамомлаган, қурилиш ташкилотиди бош хисобчи бўлиб ишлайдиги. Зиёли оиланинг қобил

фарзандлари: Дилмурод – «Маҳкамбой ота» МЧБда бош хисобчи, Шерзод – ҚХТУда фан доктори, Онажон – Сайрам туманида шифокор. Мереке, Нилуфар, Аҳмад исмли олий маълумотли келинлар ва куёв ҳам хизматда, ҳам иззатда. Улар Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳрида истиқомат қилиб, эл равнақи йўлида самарали фаолият

юритмоқдалар. Ширин-шакар неваралар улкан оила қувончи ва ишончи.

**Зулхумор АБДУСАТТОРОВА, Наргиза НИШОНОВА, С. Раҳимов номли мактаб кутубхоначилари.**

Тасвирларда: Муборак Тўлаган кизи; С. Раҳимов номли мактаб директори ва ҳамкасблари даврасида.

**PS: Ҳамкасблари, оила-аъзолари, ака-укалари илғор муаллима, «Жанубий Қозғистон»нинг фаол обуначиси Муборак Тўлаган кизини таваллуд кун шодиёнаси ила муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилайди.**

*Шоҳдайт*

**«КЕМА ИЧРА СУВ ҲАЛОҚ ЭТГҲУВЧИДИР, КЕМА ОСТИДА АНИ ЭЛТГҲУВЧИДИР».**  
Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: «кема ичидаги сув кеманинг ҳалоқати, кема остидаги сув унга мадад этаувчи – ёрдамчи».)

*Нур Шарқандир*

«Ҳамишалиг таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадоий бўлсанг-да боғ ярат – бир кунмас-бир кун мевасини татирсан...»

**Соҳибқирон Амир ТЕМУР.**

«Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топғусидир, Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топғусидир. Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳариси, Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топғусидир».

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.**

*Мағриб маърифати*

«ГЎЗАЛЛИКНИНГ ЙЎЛДОШИ ДОИМО ЕНГИЛТАКЛИК БЎЛГАН».  
Секст ПРОПЕРЦИЙ, қадимги Рим шоири.

«ГЎЗАЛЛИК ВА ИЛМГА ТАШНАЛИК ҲЕЧ ҲАМ БИРГА БЎЛА ОЛМАЙДИ»

**Томас БРАУН, инглиз адиби.**

## АЛ-ХОРАЗМИЙ ҲИКМАТЛАРИ

(783-850 йилларда яшаган буюк математик, қомусий олим)

● Разолат тўнғизга ўхшайди: эгиз-егиз туғаверади. Эзгулик – минг-минг сурувда камёб туғиладиган антиқа терили кўзичоқ.

● Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб бериши билан.

● Истеъдод эгаси чалғиб, мансабга, давлатга интилса, устунга чирмашаётган илонга ўхшаб қолади. Билмайдик, тепадаги кўвачада сут аллақачон қуриб битган, унда ўздан аввал тирмашганларнинг аламли захри тўла! Бундан у изтироб чекади, тўлғанади... Кўвача чайқалиб, пастдагиларнинг бошига бот-бот заҳар тўкилади.

● Саховатли киши буғдой сотиб олмайди, яхшилиқни харид қилади.

● Сўз – гул, иш – мева.

● Ҳикмат дараҳти! Ундаги меваларни кўролмайдиган кишилар ғаразли ва зиёнкор бўладилар. Улар кўллариди бесўнақай ҳода билан кечаси ўрик қоқишга чиққан кимсаларга ўхшайдилар.

## ПИФАГОР ҲИКМАТЛАРИ

(Милоддан аввал 580-500-йилларда яшаган юнон файлайсуфи ва математиги)

● Бировлар олдида ҳам, яширинча ҳам уяладиган иш қилма.

● Сенинг асосий қонданг, ўзингни ўзинг ҳурмат қилиш бўлиши лозим.

● Гапирма, аммо гапирмаганга қараганда яхшироқ бўладиган бўлса гапир.

● Илм ақлнинг ўрнини боса олмайди.

● Катта ваъда бермай, катта иш қил.

● Кун ботадиган пайтдаги соянинг катталиғига қараб ўзингни улуғ киши деб ҳисоблама.

● Нодонларга меҳмондорчилик қилиш ўта ақлсизликдир.

»» Табобат

## ТОМОҚ ОҒРИҒИНИНГ ОДДИЙ ЕЧИМИ

● Бир пиёла қайноқ сувга 0,5 чой қоқиқдан туз ва 0,5 чой қоқиқ истеъмол содаси солиб, аралаштирилади. Аралашмага 2 томчи йод томизилади. Бу эритмадан уйкуға ётишдан аввал томоқ чайилади.

● Бир неча мартабалик муолажадан сўнг натижа аяқол намоён бўлади.



Ошқозонга ёрдам беради. Мураббо ҳазми яхшилайдиги ва ич кетишига қарши самарали.

● Юрак қон томирлари учун фойдали. Қон айланишини яхшилашга ёрдам беради.

● Нафас йўлларини тозалайди. Ўпка ва томоқни совуқдан ҳимоя қилади.

● Мия фаолиятиға ижобий таъсир кўрсатади.

**Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БУРОНБОВ.**

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг туғрилиғи учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.»  
«Фондациянинг мақолалариға ёзма жавоб кайтарилмайди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиғи томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲҲҲ00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Ўзбекистонда чол элиди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нуска.

Биринчи 266. Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.